



Истеъмол кайфияти шарҳи

2024 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Истеъмом кайфияти

2024 йилнинг январь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, аҳолининг келгуси 12 ойдаги иқтисодий кутилмалари III чоракка нисбатан сезиларли даражада яхшиланди. Хусусан, даромад ва харажатлари бўйича кутилмалари ҳамда жамғаришга мойиллиги охириги 3 йилдаги энг юқори даражага кўтарилди (1-расм).


Иқтисодиёт истиқболи бўйича юқори ишонч, ўз навбатида, истеъмом талабини қўллаб-қувватлаб, келгусидаги иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Шу билан бирга, юқори истеъмом талаби келгуси чоракларда нархларга оширувчи босим яратиши мумкин.

Аҳолининг келгусидаги харажатлари, даромадлари ва кредитлари ошиши бўйича юқори кутилмалари мамлакатдаги иқтисодий цикл жадал ўсиш жараёнидалигидан ишора беради. Бунда, нархларга оширувчи босим, кредит “қизишлари”, қарз юки ошиши эҳтимолларини олдини олиш мақсадида қатъий фискал ва пул-кредит сиёсати юритилишини давом эттириш зарур бўлади.

Даромад субиндекси

Респондентларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича кутилмалари сезиларли яхшиланди. Мазкур даврда даромад субиндекси охириги йиллардаги энг юқори қийматига эришиб, **75,7 бандга** тенг бўлди. Аҳолининг келгусидаги даромадлари ошиши бўйича ишончи юқорилиги аввалги чоракка нисбатан 5,5 бандга ошди (1-расм).


1-расм. Даромад, харажат, кредит ва жамғарма субиндекслари ўзгариши¹




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

¹ Кўрсаткич 50 бандга тенг бўлса сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини, агар 50 банддан юқори бўлса кутилмалар ошаётганини ва 50 банддан паст бўлса кутилмалар пасайганини билдиради (батафсил иловада келтирилган).

2-расм. Даромадлари ўсиши бўйича жавоблар тақсимоти (улуши, фоизда)



3-расм. Даромадлар даражаси кесимида жавоблар тақсимоти (улуши фоизда)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Сўровда иштирок этган аҳоли вакилларининг 73 фоизи келгуси 12 ойда даромадлари ошишини кутмоқда. Бу кўрсаткич аввалги чоракка нисбатан 8 ф.б.га юқорироқни ташкил этди.

Шунингдек, даромадлари ўзгармаслигини қайд этганлар улуши 4 фоиз бандга камайиб, жами респондентларнинг 21 фоизини, келгусида даромадлари камайишини таъкидлаганлар ҳам 4 ф.б.га камайиб, 6 фоизни ташкил этди (2-расм).

4-расм. Респондентларнинг даромад манбалари (фоизда)



5-расм. Фаолият соҳалари кесимида даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)

Соҳалар	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
ишлаб чиқариш	72	22	6
қурилиш	76	14	10
қишлоқ хўжалиги	76	15	9
маиший хизмат	81	13	6
кафе-ресторан	85	15	0
ташиш хизмати	67	21	12
фан-таълим	71	23	6
тиббиёт	77	20	4
коммунал хизмат	72	19	8
туризм	82	12	6
банк ва молия	72	21	7
давлат бошқаруви	71	23	5
АТ ва ОАВ	84	11	5
савдо	71	15	15
бошқа	71	23	6

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Даромади ошишига бўлган ишонч юқори даромадга эга респондентларда мустаҳкамроқ бўлди. Шу билан бирга, даромади 5 млн. сўмгача бўлган респондентларда кутилмалар аввалги чоракка нисбатан сезиларли даражада яхшиланди (3-расм).

Шунингдек, мос равишда барча даромад гуруҳларида келгусида даромади камайиши ёки ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши қисқарган.

Сўров иштирокчиларининг асосий қисми (74 фоизи) даромадини расмий иш ҳақидан олишини билдирганлар (4-расм).


Барча соҳаларда фаолият юритувчиларнинг келгусида даромадлари бўйича оптимистик кутилмалари шаклланмоқда. Бунда, умумий овқатланиш, ахборот технологиялари ва ОАВ, туризм ҳамда маиший хизматлар соҳалари вакиллари кутилмалари энг юқори бўлди (5-расм).

Харажат субиндекси


Келгуси 12 ойда харажатлари ошишини кутаётганлар улуши ошиб бормоқда. 2023 йил IV чоракда харажат субиндекси аввалги чоракка нисбатан 3,3 бандга юқорилаб, **80,8 банд** даражасида шаклланди.

Жумладан, 81 фоиз респондентлар келгуси 12 ойда харажатлари кўпайишини кутаётганини қайд этди, бу III чоракка нисбатан 5 ф.б.га юқори бўлди.

6-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



7-расм. Даромадлар кесимида харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

8-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Шунингдек, сўров иштирокчиларининг 13 фоизи харажатлари ҳажми ўзгармаслигини билдирган бўлса, харажатлари қисқаришини кутаётганлар улуши 6 фоизни ташкил этди (2-расм).

Харажатга мойилликнинг ортиб бориши келгусида иқтисодиётда юқори истеъмол фаолликни рағбатлантириб, инфляцияга оширувчи таъсирлар сақланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Сўровномада қатнашганлар келгусидаги харажатлари ошишини, асосан, уй-жой сотиб олиш ва таъмирлаш, таълим тўловлари билан боғлаган. Бундан ташқари, даволаниш, автомобиль ва мебель харид қилиш истаги борлигини билдирганлар улуши ҳам кўпчиликти ташкил этди (8-расм).


Сўров натижаларига кўра, аввалги чоракка нисбатан аҳоли томонидан уй-жой ва мебель хариди, уй-жой таъмири ва саёҳат учун харажат қилмоқчи бўлганлар улуши кўпайиши аҳолининг тўлов қобилияти ошиб бораётганидан далолат беради.

Кредит субиндекси

Истеъмол кредитига бўлган ялпи талаб ўтган чоракдаги биров пасайишдан сўнг ўсиш трендига қайтмоқда.

Респондентлар фикрига асосан, 2023 йил IV чоракда кредитга бўлган талаб ўтган йил даражасидан 2,9 бандга ошиб, кредит субиндекси **71,5 бандга** тенг бўлди.

9-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар тақсимооти (улуши, фоизда)



10-расм. Даромадлар даражаси кесимида кредитга бўлган талаб (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Хусусан, келгуси 12 ой давомида кредитлари миқдори ошишини билдирганлар улуши аввалги чоракка нисбатан 5 ф.б.га кўпайиб, жами респондентларнинг 65 фоизини ташкил этди. Келгусида кредити камайишини ёки ўзгармаслигини қайд этганлар улуши камайиб, мос равишда 10 фоиз ва 25 фоизга тенг бўлди.

Респондентлар орасида келгусида кредит олишни режалаштирганлар, асосан, **3 млн. сўмгача** даромадлилар гуруҳида кўпайган бўлса, **3-5 млн. сўм**, **5-7 млн. сўм** ва **7-10 млн. сўмгача** даромад олувчилар гуруҳида улуши камайган (10-расм).

Шунингдек, **3 млн. сўмгача** ва **10 млн. сўмдан юқори** даромадлилар орасида 50-55 фоиз респондентлар янги кредит олишини маълум қилмоқда.

11-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши

		Келгусида харажатларнинг ўзгариши					Келгусида харажатларнинг ўзгариши				
		2023 й III чорак					2023 й IV чорак				
		кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камаяди	камаяди	кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камаяди	камаяди
Келгусида янги кредитга бўлган талаб	ошади	22	6	3	1	1	23	7	3	1	1
	бироз ошади	10	13	4	2	0	13	13	3	1	0
	ўзгаришсиз қолади	9	10	7	1	1	10	8	6	1	0
	бироз камаяди	2	2	1	0	0	2	1	1	0	0
	камаяди	2	2	1	1	1	2	1	1	0	0

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Бундан ташқари, **3-5 млн. сўм, 5-7 млн. сўм ва 7-10 млн. сўмгача** ва **10 млн.сўмдан** юқори даромадлилар аҳоли орасида кредитга эҳтиёжи мавжуд эмаслигини билдирганлар улуши 15-20 фоизни ташкил қилмоқда.

Иқтисодий фаолликнинг тикланиши ва уй хўжалиқларининг мавсумий харажатларга мойиллиги ўсиб бориши кредитга бўлган талабни рағбатлантириши мумкин (11-расм).

Жамғариш субиндекси

Аҳолининг жамғариш кайфияти ўтган чоракка нисбатан ошди. 2023 йилнинг IV чорагида жамғариш кайфияти 5,2 бандга яхшиланиб, субиндекс кўрсаткичи **71 бандга** тенг бўлди.


Келгусида жамғармалари миқдори ошишини кутаётган респондентлар улуши 9 ф.б.га ортиб, **67 фоизни** (2023 йилнинг III чорагида 58 фоизга тенг бўлган) ташкил этди (12-расм).

Бу тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган аҳоли депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг жозибадорлиги ҳисобига жамғаришга бўлган мойилликнинг ошиши билан изоҳланиши мумкин.


Бундан ташқари, жамғармалари камайишини кутаётганлар улуши аввалги чоракка нисбатан 5 ф.б.га камайиб, 12 фоизни ташкил этди.

Сўров натижаларига кўра, иштирокчиларининг жамғармалари етарлилик даражасида ҳам ўсувчи тенденциялар шаклланимоқда (13-расм).

12-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари




13-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси бўйича кутилмалари




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

14-расм. Респондентларнинг молиявий ҳолати ўзгариши



15-расм. Жамғармаларни сақлаш шакллари



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Хусусан, жамғармалари **1 ойгача, 1-3 ой** ҳамда **3-6 ойгача** етишини таъкидлаганлар улуши ўзгармаган бўлсада, жамғармалари **6 ой ва ундан узоқроққа** етишини кутаётганлар улуши бироз кўпайган.

Шунингдек, жамғармаси йўқ респондентлар улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камайган.

Сўров қатнашувчиларининг аксарияти IV чоракда молиявий ҳолати сезиларли яхшиланганини билдирди ҳамда молиявий аҳволи ёмонлашганлигини таъкидлаганлар улуши камайганлигини қайд этган.


Аҳоли вакилларининг аксарияти (81 фоизи) жамғармаларини **нақд пул кўринишида** ва **тижорат банкларида** сақлашларини билдирганлар (13-расм). Бунда, аввалги чоракка нисбатан нақд кўринишда сақлашни маъқул кўрганлар улуши 2 ф.б.га қисқарган бўлса, банкда сақлашни афзал билганлар 5 ф.б.га ошган.

Иқтисодиёт бўйича кутилмалар


Аҳолининг келгуси 12 ойдаги иқтисодиёт истиқболи бўйича кутилмалари ҳам ижобий тенденцияларни намоён этди. Хусусан, респондентларнинг деярли 70 фоизи келгусида мамлакат иқтисодиёти янада яхшиланишига ишонч билдириб, бу кўрсаткич аввалги чоракка нисбатан юқорирақ шаклланди.

Шунингдек, яқин **3 йилликдаги** истиқболлари бўйича ижобий кутилмаларига эга респондентлар улуши 6 ф.б.га кўпайиб, жами сўров иштирокчиларини **76 фоизни ташкил этди** (10-11-расмлар).

14-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



15-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Истеъмол кайфияти индексини ҳисоблашда киритилган ўзгаришлар тўғрисида қисқача маълумот

Марказий банк томонидан аҳолининг кенг соҳа вакилларини қамраб олган ҳолда ўтказиладиган сўровлар натижалари асосида бериб бориладиган **истеъмол кайфияти индекси² (ИКИ)** ни ҳисоблаш методологиясига айрим ўзгартиришлар киритилди.

Киритилган ўзгартиришлар илғор хорижий тажрибаларни қамраб олган ҳолда умумий натижаларни янада аниқ ва сифатли кўринишда тақдим этиш имконини беради.

Ушбу индекс сўров иштирокчиларининг келгусидаги **даромадлари, харажатлари, кредитлари ва жамғармалари ўзгариши** бўйича танланган жавоб вариантлари сонидан келиб чиқиб шакллантирилади. Бунда, респондентлар томонидан белгиланган жавоблар вариантлари қуйидаги вазнлар орқали умумлаштирилади ва нормаллаштирилади:

сезиларли даражада кўпайиш/ошиш (ижобий) – 100;

бироз кўпайиш/ошиш (ижобий) – 75;

нейтрал жавоб (ўзгаришсиз) – 50;

бироз камайиш (бироз салбий) – 25;

сезиларли даражада камайиш (салбий) – 0.

Агар ҳисобланган субиндекс кўрсаткичи 50 бандга тенг бўлса сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини кўрсатади. Агар 50 банддан юқори бўлса кутилмалар ошаётганини билдиради. Агар субиндекс кўрсаткичи 50 банддан паст бўлса кутилмалар пасайганини билдиради.

Шунингдек, субиндекс 100 бандга тенг бўлса барча респондентлар юқори ошишини кутаётганини англатса, 0 бандга тенг бўлиши барча сезиларли камайишини билдирганини англатади.

² Индекс кўрсаткичи 0 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмол кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: achilov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22